В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигига

# ЛЕНИН ИШИ ЯШАМОҚДА ВА ҒАЛАБА ҚОЗОНМОҚДА


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 90 (4488).
22 АПРЕЛЬ 1981 й.
ЧОРШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

**Совет Иттифоқи гражданлари! ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишни ўрганингиз!**

## «...ШУНДАЙ УЛУҒ НОМ БОРКИ»

**БУГУН**

**пойтахтимиздаги Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи ўзининг ёзги мавсуми очилиш маросимини пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин туғилган кунинг 111 йиллигига бағишлади.**

Бугун ўтказиладиган барча маданий тадбирлар «Дунёда шундай улуғ ном борки» деб аталади. Унда дам олувчилар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди делегатлари билан учрашадилар. Собир Раҳимов райони саноат корхоналарининг новаторлари, партия ва меҳнат ветеранлари сайлчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган улуғвор ишлар, партия ва ҳукуматимиз сиёсатининг тантанаси ҳақида гапириб берадилар.

«Ленин номи асрлар оша яшайди! деган китоблар ва журналлар кўргазмаси ҳам дам олувчилар ихтиёрига ҳавола қилинган. Бу кўргазманинг асосий моҳияти съездан съездгача бўлиб ўтган даврда юз берган улуғвор ўзгаришларни ҳикоя қилишдир.

Доҳий бўш вақтларини ҳамиша завқли ўтказар эди. Айниқса музика асарларини севиб тинглар эди. Владимир Ильич Ленин севган қўшиқлар ва музика асарлари боғда радио карнайлари орқали янграйди.

*Истеъмол буюмларига — кенг йўл*

## Кичкинтойлар учун

Шаҳримиздаги металлни қайта ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи йилдан-йилга буюмлар ассортиментини бойитмоқда. Яқинда уларнинг сони яна битта кўпайди. Корхонада кичкинтойлар учун мўлжалланган йиғма стулча ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу янги стулча илгичларидан конструкциясининг такомиллаштирилгани билан фарқ қилади. Никелланган металл оёқли стулча чиройли полотно билан тортилган. У осон йиғилади ва енгилгина тахланган стулни болалар бемалол хоҳлаган жойларига қўйиб олишлари мумкин. Узбекистон стандартлар бошқармаси томонидан рўйхатга олинган бу янги хил маҳсулотдан бир неча ўн минг сўмлиги тез кунда савдо тармоқларига чиқарилади.

* * *

Республикамиз тўқимачилик саноати яқинда янги тик газмолини ўзлаштиради. Узбекистон ССР Енгил саноат министрлиги қошидаги техник кенгаш унинг нусхасини тасдиқлади.

Г. ВОҲИДОВА.

## ЯНГИ БУЮРТМАЛАР

Пойтахтимиздаги «Ташавтоматика» заводи ўз маҳсулотларини кўпгина чет эл мамлакатларига мунтазам жўнатиб турали. Завод, айниқса, Монголия Халқ Республикаси холодильникозлари билан доимий алоқада бўлиб, буюртмаларни ўз вақтида етказиб бермоқда.

**БУГУН**

**Монголия Халқ Республикаси холодильникозларидан янги буюртмалар тушди. Турли маркадаги бўяш камералари, қуритгичлар ва холодильникларнинг ички қисмларини пайвандлаш агрегатлари шулар жумласидандир.** Завод квартал охиригача ана шу маҳсулотлардан 100 дан ортиғини кардош Монголияга жўнатади.

*Ленинизм ҳозирги дунёдаги энг илғор ва нуфузли идеология, келажак эгаларининг енгилмас идеологиясидир. В. И. Ленин асарлари-дек асарлари кўп тарқалган одам ер юзида бўлган эмас ва йўқ.*

Л. И. БРЕЖНЕВ.

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

**КЕЧА**

**Ўзбекистон ССР моддий-техника таъминоти давлат комитетининг мажлислар залида пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказилди.**

Бу конференция «КПСС XXVI съезди ривожланган социализм шароитида бошқаришни такомиллаштириш, экономиканинг барча звеноларида хўжаликка раҳбарлик қилиш ленинча принциплари тўғрисда» деган мавзу бўйича ташкил этилди.

Ўзбекистон ССР моддий-техника таъминоти давлат комитети партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Т. М. Иброҳимова «КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди талаблари даражасида социалистик хўжаликни такомиллаштиришнинг методлари» тўғрисида доклад қилди.

Шундан кейин давлат комитети меҳнат ва иш ҳақини планлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н. Р. Собирова, ресурсларни сафарбар этиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. Н. Громов, давлат комитети давлат инспекциясининг бошлиғи П. Ф. Цой бошқаришни такомиллаштиришнинг ўзига хос омиллари ҳақида гапирдилар.

**тонгги газеталарда**

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика колхозлараро қурилиш ташкилотлари IV съезди делегатларини ва улар орқали республика колхозлараро қурилиш ташкилотларининг барча ходимларини қизғин табриклайди.

● 21 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон ССР колхозлараро қурилиш ташкилотларининг IV съезди бўлиб ўтди. Съездда давлат-кооператив бирлашмасининг ўтган беш йил мобайнида колхозларда олиб борган қурилиш ишлари якунлари ҳамда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажариш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

● Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Люксембург ташқи ишлар давлат секретари П. Хельмингер Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев 21 апрель куни П. Хельмингерни қабул қилди. Бўлиб ўтган сухбатда СССРнинг Люксембургдаги элчиси К. Б. Удумян иштирок этди.

● Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги нефть маҳсулотлари таъминоти ва реализация бош бошқармаси негизида Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти иттифоқ республика давлат комитетини тузиш тўғрисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

## ГЕОЛОГ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

**БУГУН**

**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Х. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтида «Ўрта Осиё магматик формациялари» масаласига бағишлаб, СССР Фанлар академияси Ўрта Осиё петрографик Совети томонидан чақирилган кенгаш ўз ишини бошлади.**

Мажлисни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ленин мукофоти лауреати И. Х. Ҳамробоев очиб, шу давргача Ўрта Осиёда таркалган магматик — отқинди жинсларни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида гапирди.

Кенгашда таниқли геолог-олимлар, геология-минералогия фанлари доктори О. И. Борисов, фан кандидатлари А. А. Кустарникова, Т. Н. Долимов, М. Акрамов, К. Д. Бокиев ва бошқалар мазмунли докладлар билан чиқишди. Бу докладлар Ўрта Осиёда тарқалган магматик жинсларнинг асосий хусусиятлари, уларни тектоник ва бошқа жиҳатлардан системалаб районлаштириш, картага туширишда бир хилликка эришиш учун шартлашиб олиб, тадқиқотнинг ҳозирги замон методларини қўллаб ўрганиш ва бу жинсларнинг фойдали қазилма конларини ҳосил қилишдаги муҳим роли масалаларига бағишланган. Йиғилишда Тожикистон, Қирғизистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан келган — геолог-олимлар ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Кенгаш қатнашчилари пойтахтдаги йирик геологик муассасалар ишлари, геология ва геофизика институтидаги геологик жараёнлари экспериментал йўл билан тадқиқ қилиш лабораториясида қизиқарли ва нодир тажрибалар билан танишадилар.

**Э. ОТАҚУЗИЕВ, геология ва геофизика институтининг илмий ходими.**

## БИЛИМ ЮРТИ ЮБИЛЕЙИ

Тошкентдаги С. И. Стрелков номли 9-ўрта шаҳар ҳунар-техника билим юрти ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонламоқда. Республикадаги ана шу энг кекса ишчи кадрлар тайёрлаш масканининг таржимаи ҳоли Ўзбекистонда полиграфиянинг ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғланган.

Полиграфиячи ишчилар тайёрлаш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги муваффақиятлари учун ҳамда ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан 9-ўрта шаҳар ҳунар-техника билим юрти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Билим юрти коллективига мукофот Тошкент полиграфия ходимлари ва жамоатчилиги вакилларининг 21 апрель куни бўлиб ўтган тантанали йиғилишида топширилди.

(ЎзТАГ).

*Тошкентнинг 2000 йиллигига тараддуд*

## ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. Н. Дудин ранслигида Тошкентнинг икки минг йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўриш бўйича шаҳар ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ана шу тарихий санага пойтахтнинг Чилонзор районида кандай тайёргарлик кўрилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисда сўзга чиққан район партия қўмитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов ана шу байрамни муносиб кутиб олиш учун районда кенг кўламда тайёргарлик ишлари олиб борилаётганлигини таъкидлади.

Район меҳнаткашлари Ўзбекистон пойтахтининг юбилейини юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш билан кутиб олишга қарор қилганлар. Янги турар жой массивлари бунёд этилади, магистралларни, квартал ва майдонларни ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилади. Ана шу умумхалқ ишида районнинг барча меҳнаткашлари — корхона ва ташкилотларнинг коллективлари, ўқувчи ёшлар фаол иштирок этадилар.

Ташкилий комитет мажлисида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, шаҳар Совети ижроия комитетининг ранси В. О. Козимов сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

**ДИҚҚАТ, СТАРТГА!**

## ҒАЛАБА КУНИГА БАҒИШЛАНАДИ

**Ғалаба куни арафасида шу тарихий санага бағишлаб шаҳар енгил атлетика эстафетасини ўтказиш яхши анъаналардан бири бўлиб қолди.**

Муболағасиз айтиш мумкинки, бу эстафетада шаҳарда ўтказилаётган бошқа мусобақалардагига нисбатан кўп спортчи қатнашмоқда. Масалан, ўтган йилги мусобақаларда беш юздан зиёд спортчи ва физкультурачи қатнашди. Улар ўрта махсус таълим ва олий ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, мактаб, саноат ва ташкилот физкультура коллективларининг вакиллари эди.

Эстафета маршрути ҳам рамзий маънога эга. У Навоий театри олдидан бошланиб, шаҳримизнинг диққатга сазовор революция ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйлаб ўтади. Мусобақа қатнашчилари Парадлар хиёбонидаги номаълум солдат қабри олдида маррага етиб келадилар.

Бу йил эстафетага 3 май куни соат 12 да старт берилади. Унинг умумий узунлиги 11 минг юз метрга тенг бўлиб, 23 босқичдан иборатдир. 16 босқич беллашувларида йигитлар, етти босқич беллашувларида қизлар қатнашишади. Беш группа бўйича енгил атлетика ғолиблари аниқланади. Яъни олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта мактаблар, корхона ва муассаса коллективлари ўртасида ғолиблар аниқланади.

Эстафета қатнашчиларига саккизта махсус соврин топширилади. Уларнинг орасида газетамизнинг соврини ҳам бор. Бу соврин биринчи босқичда энг яхши натижа кўрсатган спортчига топширилади.

Шундай қилиб учинчи май куни шаҳар эстафетасига старт берилади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, спорт коллективлари томонидан билдирилган истаклар шаҳар спорт комитетида кўриб чиқилиб, тасдиқланади. Бу иш мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг терма командалари учун 28 апрелда, бошқа коллективлар учун 29 апрелда амалга оширилади.

## МЎЪТАБАР ДАРГОҲДА

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига келаётган одамлар оқимининг кети узилмайди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси бўлган буюк инсонни хотирлаш учун бу ерга оппок сочли ветеранлар билан ёш пионерлар, узоқ қишлоқлардан келган пахтакорлар, пойтахтдаги олий ўқув юртларининг олимлари ва студентлари, кардош иттифоқдош республикаларнинг вакиллари ва чет эллик меҳмонлар келишмоқда. Шонли сана — улуғ доҳий туғилган куннинг 111 йиллиги арафасида музей заллари айниқса одамлар билан гавжум.

Ильичнинг хаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи музей экспозициялари янги экспонатлар билан бойиди. Улар орасида унинг қўлёзма ва босма асарларининг фотонусхалари. Коммунистик партия раҳбарлигида, ленинча миллий сиёсат туфайли Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг равнақи тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар бор. «Ленин партияси — съезддан-съездгача». «Биз — интернационалистларимиз!» деган мавзудаги кўргазмалар, республика меҳнаткашлари ва пойтахт меҳмонларининг музейга қилган совғалари кўргазмаси томошабинлар ҳукмига тақдим этилган.

Мазкур бўлимда Қўқон шаҳридаги ёш техниклар студиясининг тарбияланувчилари нақш билан ишлаган панно — доҳийнинг ёғочга ўйиб ишланган портрети, тошкентлик собиқ ишчи, эндиликда, пенсионер В. П. Малишев бажарган бир қанча оригинал портрет асарлари. Каттақўрғон шаҳридаги тасвирий санъат студиясининг қатнашчилари бўлган пионерлар ва мактаб ўқувчилари ёғочдан ўйиб ишлаган Ильичнинг скульптура портрети. Ульяновск шаҳри меҳнаткашларининг музейга совғаси — В. И. Ленин туғилиб ўсган уйнинг макети ва бошқа асарлар бор.

Томошабинлар залларга бирма-бир кириб чиқар эканлар, янги социалистик жамиятга асос солган жаҳон пролетариати доҳийсининг улкан фаолияти билан танишдилар. Бу жамият эришган ютуқлар ер юзидаги кишиларни ҳайратга солмоқда. В. И. Ленин музейи билан танишув томошабинлар қалбида ўчмас из қолдиради. Таассуротлар дафтарида ёзиб қолдирилган кўплаб ёзувлар ана шундан далолат беради. Ўзбекистоннинг барча областлари ва қардош иттифоқдош республикаларидан келган турли касбдаги кишилар, чет эл делегацияларининг вакиллари музейдан олган ўз таассуротлари тўғрисида ёзиб қолдирганлар.

«Музейдаги тарихий экспонатларни зўр қизиқиш билан кўздан кечирдик. В. И. Ленин — бутун дунё халқларига, жумладан эрксевар Вьетнам халқи учун зулмга қарши янги порлоқ келажак барпо этиш, бахт-саодат ва тинчлик учун кураш йўлини ёритиб турувчи машъалдир. Ленин қалбларимизда абадий яшайди! Вьетнам Демократик Республикасидан келган меҳмондар дафтарга ана шундай сўзларни ёзиб қолдирганлар.

(ЎзТАГ).

## Доҳий ишига содиқмиз

Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида партия ва меҳнат ветеранларининг Тошкент ёшлари билан революция доҳийси туғилган куннинг 111 йиллигига бағишланган тантанали учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг секретари Б. Г. Ҳалилов очди. Партия ветеранлари М. Егорова ва Н. Хўжаев Туркистонда Совет ҳокимиятининг дастлабки тикланиш йиллари ҳақида, ўзларининг Владимир Ильич Ленин билан учрашувлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Ленин гвардиясининг коммунистлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, мураббийлар ёшларга Ленин партиясига ҳамиша содиқ бўлиш, унинг ажойиб анъаналарини юксак кўтариб боришга даъват этиб, мурожаат қилдилар.

Учрашувда сўзга чиққан тепловоз депосининг мастери В. Демьяненко, Тошкент Давлат консерваториясининг студенти К. Бобожонова Тошкент ёшлари номидан ветеранларни буюк Ленин ишининг муносиб ворислари бўламиз, ўз ота-боболаримизнинг жанговар ва меҳнат анъаналарини авайлаб сақлаб, уни бойитамиз, деб ишонтирдилар. Ёш пионерлар ветеранларга баҳор гулларидан гулдасталар тақдим этдилар.

**телетайп лентасидан**

● БЕРЛИН. «Шаҳар ва қишлоқларимиз гўзал бўлсин — бирга меҳнат қилайлик!» умумхалқ ҳаракати муносабати билан ГДРда шу йил бошидан буён бажарилган ишлардан 500 миллион марка миқдоридан зиёд иқтисодий самара олинди. Минглаб гражданлар ишдан бўш вақтларида бульварлар, боғлар ва хиёбонларни ободонлаштиришда, болалар майдончаларини жиҳозлашда ёрдам бермоқдалар.

ГДРда ишлаб турган ободонлаштириш шаҳар кенгашлари шаҳарлар ташқи қиёфасини яхшилаш, уларни янада чиройли ва жозибадор қилишдек вазифани муваффақиятли ҳал қилмоқда. Уларнинг ташаббуси билан шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнидагина 8 минга кўҳна бино таъмир қилинди.

● РИМ. Италияни қамраб олган иқтисодий танглик ишлаб чиқаришни янада қисқартириш ва ишчиларни кўплаб ишдан бўшатишга олиб келмоқда.

Марказий статистика институтининг хабар беришича, мамлакатдаги 500 дан зиёд ходими бўлган йирик саноат корхоналарида иш билан банд бўлган кишилар сони шу йилнинг икки ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 1,7 процент камайган. Италиядаги химия, фармацевтика, тўқимачилик ва тикувчилик компаниялари завод ва фабрикаларида иш билан таъминлаш даражаси энг кўп қисқарган.

● ТРИПОЛИ. Бу ерда биринчи Халқаро китоб ярмаркаси очилди. Ярмарка ишида дунёдаги кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқидаги 60 дан кўп китоб нашриётлари ва ташкилотлари иштирок этмоқда.

(ТАСС).

## ОБ-ҲАВО ВА МЕДИЦИНА

Шу кунларда Тошкентда ҳаво булутланиб турса-да, ёғингарчиликнинг бўлиши кутилмайди. Атмосфера босими 5—6 миллибар пасаяди, нисбий намлик 15—20 процент камаяди. Шарқдан майин шабада эсади. Кечаси 8—10, кундузлари эса 21—23 даража иссиқ бўлади.

Аввалги кунларда бўлиб ўтган ёғингарчиликлар намгарчиликни ошириб юборди. Семашко номли курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрига қараганда об-ҳавонинг бундай ўзгариши юрак ишемияси ва қўлоёқ бўғини касалликларига чалинган беморларни безовта қилади. Бундай пайтда врачнинг тавсиясига биноан доридармонлар қабул қилиш маслаҳат берилади.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ.

*В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигига*

# УЛУҒ ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ ТАНТАНАСИ

## ДОҲИЙ, РЕВОЛЮЦИОНЕР ВА МУТАФАККИР

Қаҳрамон совет халқи ва бутун прогрессив инсоният ҳар йили Коммунистик партия ва Совет давлатининг ташкилотчиси улуғ Ленининг туғилган табаррук кунини унутилмас сана сифатида нишонлайдилар. Доҳий, революционер, мутафаккир ва энг улуғ революционер бўлган Ленин номи XX асрдаги катта тарихий воқеалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсоният тарихининг ривожи, КПСС XXVI съезди талқин этиб берган ҳозирги дунё қиёфасидаги оламшумул ўзгаришлар Ленин ғоялари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши билан бир қаторда унинг ғоят ҳақлигини ва енгилмас кучини исбот этмоқда.

Асримизнинг бошида Россиянинг қаҳрамон пролетариати Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси раҳбарлигида буржуа-помешчиклар тузумини қатъий штурм қиляшга отланди ва бу тузумни тор-мор келтирди. Меҳнаткашларнинг эксплуатацияга, социал ва миллий зулмга қарши олиб борган кураши тарихда биринчи марта уларнинг тўла ғалабаси билан тугалланди.

Улуғ Ленин Россиядаги уч марта бўлиб ўтган революция ва икки империалистик уруш даврида пролетариатнинг революцион ҳаракатига раҳбарлик қилди. В. И. Ленин партия, революция ва пролетариат диктатураси ҳақидаги, ишчи ва деҳқонлар иттифоқи тўғрисидаги, миллий масала ҳақидаги марксча назарияни янада бойитди. Коммунизм қурилиши йўллари тўғрисида Ленин яратган фан унинг назарий ижодининг гултожи бўлди. В. И. Ленин яшаб, ишлаган замон тарихида нақадар узоқлашиб борса, унинг ижод қилган асарлари бутун улуғворлиги ва жаҳоншумул моҳияти кўз ўнгимизда тобора равшан намоён бўлаверади. Ленининг бебаҳо хизмати шундан иборатки, деб айтган эди Л. И. Брежнев, у турмуш ўртага қўйган энг ўткир саволларга жавоб берди, империализмга қарши, социал ва миллий зулмга қарши, социалистик революциянинг ғалабаси ва коммунизм тантанаси учун курашнинг энг таъсирчан формаларини кўрсатиб берди.

Маркс ва Энгельснинг ишини давом эттириб, В. И. Ленин революцион назарияни турмушга бошқа ҳар қандай кишидан кўра яхшироқ татбиқ қила олди. Марксизмни ривожлантиришга Ленин қўшган янгиликни ҳисобга олмай туриб, марксизмни тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Ленинизм — ҳозирги даврнинг марксизмидир, халқаро ишчилар синфининг ғоявий ва амалий ривожланиб борувчи ягона, яхлит таълимотидир. Ленинизм ҳозирги замоннинг энг ўткир, ҳаётий масалаларига тўғри жавоблар ишлаб чиқиш имконини беради, етилган проблемаларни дадил, ижодий ҳал этишни ўргатади, ижтимоий ривожланиш истиқболларини илмий тушуниш усули билан қуроллантиради.

Улуғ Ленин янги типдаги пролетар партиясини тузишдек улуғвор вазифани шараф билан бажарди. «Қани бизга революционерлар ташкилотини беринг-чи, биз Россияни тубдан ўзгартириб юборамиз!», — деган эди Ленин. Большевиклар партияси ишчилар синфининг энг онгли, уюшган ва фидокор, революция ишига чексиз содиқ бўлган энг яхши кишиларни саралаб олиш йўли билан тузилди, у шунинг учун ишчилар синфининг бир қисми, унинг илғор отрядидир.

В. И. Ленин айтганидек, партия пролетариат онглилигининг олий даражада кўринишидир, у пролетариатнинг жуда бой тажрибасини ва революцион традицияларини ўзига сингдириб олади. Партия илмий назария билан, ижтимоий тараққиёт ва синфий кураш қонунлари билими билан қуролланган-дир, шунинг учун ҳам ишчилар синфига раҳбарлик қилишга қодирдир.

Партия, деган эди В. И. Ленин, ишчилар синфининг фақат илғор отряди эмас, балки уюшган отряди ҳамдир. Партия ишчилар синфининг ирода бирлиги, ҳаракат бирлиги, интизом бирлиги билан жиҳозланган ягона, умумий отряди бўлиб уюшган тақдирдагина ўзининг илғор отрядлик ролини бажара олади. Партия жиҳозланган ташкилот бўлган тақдирдагина ишчилар синфи курашига муваффақият билан раҳбарлик қила олади.

В. И. Ленининг партия ҳақидаги таълимоти инсоннинг цивилизациясининг ривожланишига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлди. Партия бутун фаолиятида халққа садоқат билан хизмат қилиб келмоқда. Бу яна бир бора КПСС XXVI съездида бутун дунёга намойиш қилинди. Леничи большевиклар замонамиздаги энг қудратли, илғор синф—ишчилар синфи партиясининг содиқ фарзандлари бўлиб, марксизм-ленинизм поклигини муқаддас билиб авайлаб сақладилар ва ҳимоя қилдилар. Коммунистлар эски дунёни — эксплуатация ва жабр-зулм, адолатсизлик, бесқинчилик урушлари дунёсини штурм қилдилар.

Коммунистлар мамлакатимиз душман капиталистик олчоқлар қуршовида бўлган вақтда халққа бошчилик қилиб, ўзларининг бутун кучларини сафарбар этиб, янги дунёни қуришга киришиб, уни барпо этдилар.

Коммунистлар тарихда биринчи марта чинакам эркин, социалистик жамиятни барпо этган халққа садоқат билан астойдил хизмат қилиб келдилар ва хизмат қилмоқдалар. Улар ўзларининг бутун фикр-зикрини, ақл-идрокининг бутун кучини, ўз қалбининг ҳароратини коммунизм улуғ ишининг тантанаси учун курашга бағишламоқдалар.

СУРАТДА: В. И. Ленин Кремлдаги ўз иш кабинетида. 1918 йил 16 октябрь. ТАСС фотохроникаси.

**ДОҲИЙ ЛЕНИН ҮРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТУРМУШИДАГИ ТУБ ҮЗГАРИШЛАР БЕШИГИНИ ТЕБРАТГАНЛИГИ ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚ ҮЧУН УЛУҒ БАХТ БҮЛДИ. ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ҚУНДАЛИҚ ИШЛАРНИНГ КҮПДАН-КҮП ЗАРУР ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ БИЛАН БЕВОСИТА ШУҒУЛЛАНАР ЭКАН, КИЧИК ИШ ЗАМИРИДАГИ КАТТА АҲАМИЯТНИ КҮРА БИЛАР, ОЛИС ЗАМОНЛАРГА НАЗАР ТАШЛАЙ ОЛАР, ҮРТА ОСИЁДАГИ ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҚУРИЛИШИНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАЖРИБАСИНИ ЧУҚУР ҮРГАНАР ВА СИНЧИКЛАБ УМУМЛАШТИРАР ЭДИ.**

**Ш. Р. РАШИДОВ.**

В. И. Ленин бунёд этган миллий программа оламшумул халқаро аҳамиятга эгадир. Бу программа биз яшаб турган даврда ҳам коммунистик ва ишчи партиялар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилмоқда, ирқчилик, шовинизм ғояларига қақшатқич зарба бермоқда. Большевиклар миллий зулмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиб, Россиядаги барча халқлар ишчиларининг бирлигига эришдилар, уларни ишчилар ҳаракатининг асосий ядроси ва раҳбар кучи бўлган рус ишчилари теварагига жиҳозлаштира олдилар. Партия барча миллатларнинг энг яхши фарзандларини ўз сафига олди. Мамлакатнинг турли районларида большевистик ташкилотлар кўпгина миллатларнинг меҳнаткашлари орасида революцион иш олиб бордилар.

В. И. Ленин ўзининг кўп қиррали фаолиятида Туркистонда яшовчи ўзбек, тожик, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз ва туркман халқларига катта эътибор берди ва уларнинг порлоқ келажаги ҳақида гамхўрлик қилди.

Тарихий ҳужжатлар шуни кўрсатадики, Владимир Ильич Туркистон халқларининг ҳаётини синчиклаб ўрганган, асрлар давомида хонлар, беклар, руҳонийлар зулмидан аянчли ҳаёт кечириб келган аҳолини машаққатли турмушдан озод қилиш ҳақида қайғуриб келган.

Ўзбек халқининг Октябрь революциясидан илгари иқтисодий жиҳатдан ғоятда қолоқ эканлигини, барча ҳақҳуқуқлардан маҳрум этилганлигини Ленин яхши билар эди. 1917 йилда Ленин «Биз Хива деҳқонининг Хива хони томонидан эзилишини истамаймиз» деб айтган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги йилларда Туркистон халқлари билан В. И. Ленининг алоқаси янада анҳ олиб кетди. Бу алоқа янги ҳаётга ўта бошлаган ўзбек халқининг порлоқ келажакка эришишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, «Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва бахтиёр туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз», — деб ёзган эди Ленин.

1919 йилда Туркистонда аҳвол оғир эди. Январь ойида республиканинг энг йирик партия ва совет раҳбарларидан 14 комиссар контрреволюционерлар томонидан отиб ўлдирилди. Фарғона водийсида босмачилик ҳаракати авж олиб кетган эди. Бундай аҳвол В. И. Ленин назардан четда қолмади. У дарҳол Туркистон ишлари билан шуғулланувчи комиссия тузилишининг ташаббускори бўлди. Бу комиссия 1919 йил 4 ноябрда Тошкентга етиб келди. Бу комиссия составида В. И. Ленининг сафдошлари М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ш. З. Элиава, Ф. Г. Голошекин, П. А. Кобозев, Я. Э. Рудзутак баракали иш олиб бордилар. Комиссия ўзи билан бирга В. И. Ленининг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» деган тарихий мактубини олиб келди.

«Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш, — деган эди Ленин, — эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта жаҳоншумул — тарихий аҳамиятга эгадир».

Узоқ тарих ўлчови билан назар ташлаганда бу вақт айтарлик катта муддат эмас. Аммо бир авлод умри мобайнида рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги юз берган оламшумул — тарихий воқеаларни бу туб ўзгаришларнинг кўлами жиҳатидан бир неча асрларга тенглаштириш мумкин. В. И. Ленининг шахсан раҳбарлигида Совет Россияси Туркистон халқларига, жумладан ўзбек халқига саноатни, қишлоқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантиришда беғараз ёрдамини аямади. Ҳозир республикамизда 1450 саноат корхонаси ишлаб турибди. Рус халқининг ёрдами асосида пўлат қуйиш, энергетика, кўмир, рангли металл, тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқлари вужудга келди. Ҳозир Совет Ўзбекистони ўзининг халқ хўжалиги маҳсулотларини дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларига етказиб бермоқда.

В. И. Ленин хати ёзилган йилларда Туркистон 10—15 минг тонна пахта етиштирар эди. Ленин «Пахта қандай, унинг тақдири нима бўлади?» деб — тез-тез сўраб турар эди. Туркистон ва Ўзбекистон коммунистлари В. И. Ленининг бу борадаги умидларини ҳам рўёбга чиқардилар. Совет Россияси пахтакорларга ёрдам тариқасида катта маблағни ва керакли техникани етказиб бериб турди. Эски омоч ва кетмон ўрнини қудратли техника эгаллади. 1980 йилда пахтакор деҳқонларимиз 6 миллион 237 минг тонна «оқ олтин» топширдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «Қўриқ» асарида бундай деб ёзади: «Раҳбар ҳам умумий ривожланиш қонунларини эгаллаган бўлиши, ҳам конкрет илмий ва амалий билимларга таяниб иш кўриши лозим». Бундай фазилатларни В. И. Ленин ва унинг ташаббуси билан Туркистонга юборилган раҳбар ходимлар фаолиятида кўришимиз мумкин. Уларнинг кўп қиррали, жанговар ва баракали меҳнати орқали Совет Россияси ва Туркистон халқлари бир-бирига дўст ва биродар бўлишига замин яратилди. Биз бу борада Тошкент Давлат университетининг барпо этилишига тўхтаб ўтишни лойиқ деб топдик.

Маълумки, Туркистонда 50 йил ҳукмронлик қилган подшо Россияси бу ерда бирорта олий ўқув юрти ташкил этмади. Аксинча халқ оммасини саводсизлик зулматида онгли равишда сақлаб келди. Туркистонда саводсизликни йўқотиш учун 4600 йил керак, деган хабар революциядан олдин матбуотда эълон қилинганлиги тарихчиларга маълум. В. И. Ленининг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» мактуби ёзилгандан сўнг бир йил ўтар-ўтмас 1920 йил 7 сентябрда Тошкентда университет очилди ва ўз бағрига ёш авлодни олиб тарбиялади.

Албатта, университет очилиши учун профессорлар, лабораториялар, кутубхоналар ва жуда кўп маблағлар керак эди. Улар эса Туркистонда йўқ эди. В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилган Совет Россияси Тошкент университети учун керак бўлган ҳамма маблағ ва кадрларни 1920 йилдаёқ етказиб берди. Бу эса Совет Россиясининг Туркистон халқларига берган беғараз ёрдамининг ёрқин далилидир, У худди меҳрибон она каби ўзидаги ҳамма нарсани болалари ўртасида бўлди ва уларнинг ўсиши учун замин яратди.

Ўзбек халқи Совет Россиясининг қардошларча ёрдамини яхши билади ва қадрлайди.

Жонажон Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати натижасида миллий республикаларнинг тараққиёти жаҳон революцион процессига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Афғонистон, Никарагуа, Ангола, Эфиопиядаги шонли революциялар бунинг ёрқин далилидир. Бу ёш республикаларда нафақат эски феодал тузумлар ағдариб ташланди, балки улар билан СССР ўртасида дўстона муносабат ўрнатилди.

«КПСС, — деди партия XXVI съездида ўртоқ Л. И. Брежнев, — бундан буён ҳам СССРнинг озодликка эришган мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, жаҳон социализми билан миллий озодлик ҳаракатининг иттифоқини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказаверади».

## В. И. ЛЕНИННИНГ ЎЛМАС ИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Партиямиз ленинча йўлининг изчиллиги ва мустаҳкам давомийлиги ҳозирги кунда қурилишнинг мисли кўрилмаган кўламдаги катта вазифалари ва ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлашдек ғоят муҳим вазифа ҳал этилаётган бир пайтда янада зўр куч билан намоён бўлмоқда.

Партия, бутун совет халқи ривожланган социалистик жамиятни янада такомиллаштиришнинг хилма-хил вазифаларини ҳал этишда Ленин таълимотига асосланади.

КПСС XXVI съездида Л. И. Брежнев қуйидаги ажойиб сўзларни айтди: «Йигирманчи аср ўзидан аввал ўтган ҳар бир юз йилдагидан кўра кўпроқ ўзгариш ясади. Бошқа бирон мамлакат бу ўзгаришларга Улуғ Октябрь Ватани, социализм ғалаба қилган биринчи мамлакат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан салмоқлироқ ҳисса қўшгани йўқ. Мана, еттинчи ўн йилликдирки, Ленининг зафарли байроғи бу Ватанни нурафшон қилиб турибди».

КПСС XXVI съезди В. И. Ленин ва ленинизм ғояларининг тантанасини яна бир марта намойиш қилди. КПСС XXVI съезди тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида кўрсатилганидек Совет Ўзбекистонининг умумдавлат вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси янада кўпаяди. Партиянинг ленинча миллий сиёсатига мувофиқ республикаларараро экономикаси ривож топади, иқтисодий алоқалар ривожланади, уларнинг Ленинча бузилмас дўстлиги ва қардошлиги янада мустаҳкамланади.

Ўтган давр ичида Ўзбекистон ССР халқлари мамлакатимиз қардош халқлари билан дўстлиги синовлардан ўтди, мустаҳкамланди, қардош халқларнинг метиндек дўстлигига айланди ва бу дўстлик Советлар мамлакатининг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолди. Совет Ўзбекистонининг равнақида рус ва барча қардош халқларнинг мадади катта. Ана шу ёрдам Совет Ўзбекистонини маълум ва машҳур республикага айлантирди. В. И. Ленин асос солган дўстлик пойдевори мустаҳкам ва абадий, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

«Кўп миллатли Ватанимиздаги барча халқларнинг қардошларча дўстлиги, — — деди Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида, — муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. Бизнинг тутган йўлимиз — ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий куч-қудратини кўпайтириб боришдир ва шу билан ундан бутун мамлакатни мутаносиб ривожлантириш йўлида мумкин қадар яхшироқ фойдаланишдир. Бу йўлда биз ҳақиқатан ҳам тарихий ютуқларга эришдик».

КПСС XXVI съезди белгилаб берган режалар асосида СССР халқларининг қардошлик оиласида Совет Ўзбекистони 80-йилларда барқ уриб ривожланади. 11-беш йилликда республика саноат маҳсулоти 28—31 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 17—19 процент кўпаяди. Тошкент трактор заводи янада кенгайтирилади ва ҳозирги замон ускуналари билан таъминланади. Бутун мамлакат доирасида таркиб топган яхлит хўжалик организми халқларимиз дўстлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкам моддий асосидир. Жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида барча миллат ва элатларнинг ҳақиқий тенглиги таъминланди, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданият гуллаб-яшнади, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар меҳнат аҳлларининг чинакам қардошлиги, туб манфаатлар, мақсадлар ва марксизм-ленинизм идеологиясининг муштараклиги туфайли жиҳозлашган қардошлик қарор топди.

Халқлар дўстлигининг кучи Тошкентни қуриш жараёнида ҳам намоён бўлди. Бу ҳақда Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида алоҳида тўхталиб ўтди. КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида СССР халқларининг, шу жумладан, рус халқининг Тошкентдаги, ер қимирлаш оқибатларини тугатиш учун олиб борган кураши ленинча дўстликнинг ғалаба гимнига айланди.

Улуғ Ленинга чексиз садоқат ва муҳаббат рамзи сифатида 1970 йил 17 апрелда Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейи филиали очилди. Ғоят ҳашаматли ва улуғвор бу музей кишиларда фахрланиш туйғусини уйғотади. Уни дунёнинг турли қитъаларидан минглаб кишилар келиб кўрмоқдалар. Музей ленинизм ғояларининг актив тарғиботчиси сифатида машҳур бўлди.

Тошкент аҳолисининг В. И. Ленинга бўлган садоқатини ифодаловчи яна бир ёдгорлик ҳақида фикр юритмоқчимиз. Бу Тошкентдаги революцион тарихга бой бўлган Октябрь революцияси номли заводда қад кўтарган, В. И. Ленин шарафига қўйилган ёдгорликдир. Бу ёдгорликнинг чуқур маъноси бор. Ер курраси устига юлдуз шаклида ўрнатилган паровоз ғилдираклари ҳаракатга келтирувчи иншоот устига В. И. Ленин бюсти ўрнатилган. Завод ишчилари уни ардоқлаб «революциянинг биринчи машинисти» деб атар эдилар. В. И. Ленин ер курраси устида турган паровозни ҳаракатга келтириб, планетамизни социализм томон олиб бораётганлиги акс эттирилган.

Ҳозир В. И. Ленининг 55 томдан иборат асарлар тўплами ўзбек тилида нашр этилди. Унга 9000 га яқин асар ҳамда ҳужжат кирди. Ўзбек китобхонлари доҳийнинг тўла асарлар тўплами чиқарилиши натижасида кўпгина асарларни биринчи марта она тилида ўқиш имконига эга бўлдилар. «Ленинизм, — деган эди Л. И. Брежнев, — ҳозирги дунёдаги энг илғор ва нуфузли идеология, келажак эгаларининг енгилмас идеологиясидир. В. И. Ленин асарларидек асарлари кўп тарқалган одам ер юзида бўлган эмас ва йўқ».

В. И. Ленин асарлари бебаҳо бойлик бўлиб, унда жамиятнинг тараққиёт қонуниятлари тўғрисидаги, коммунизм қуриш тўғрисидаги билимлар жамул-жам бўлган.

Умумжаҳон тарихининг бутун бир даври, энг машҳур революцион ишлар, жаҳон социал қиёфасида юз берган туб ўзгаришлар ленинизм номи билан боғлиқдир. Ленин таълимоти туфайли халқаро ишчилар синфи қудратли назарий қуролга, революцион ҳаракатларнинг ҳар томонлама ишлаб чиқилган программасига эга бўлди.

Партия ишларида Ленининг улкан ақл-заковати жўш урмоқда, Ленининг оташин қалби тепиб турибди. Партия, бутун совет халқи ривожланган социалистик жамиятни янада такомиллаштиришнинг хилма-хил вазифаларини ҳал этишда Ленин таълимотига асосланади. Партия чинакам халқ ҳокимиятини вужудга келтирди. Бу СССРнинг ва Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияларида ўз ифодасини топди.

Содиқ ленинча ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагига маҳкам жиҳозлашган совет халқи КПССнинг бош йўлини, унинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг мамлакатимиз ўзининг синалган авангарди раҳбарлигида комил ишонч билан Ленин йўлидан коммунизм сари олға бормоқда!

Владимир Ильич Ленин ғоялари коммунистлар фаолиятида, шу жумладан, Ўзбекистон коммунистлари фаолиятида, қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари меҳнат зафарларида яшамоқда ва тантана қилмоқда.

**Қодир ФОЗИЛХЎЖАЕВ,**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор.**

## БИЗ — ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

Давримизнинг энг заковатли ва донишманд кишиси бўлган Ленин партиямиз миллий сиёсатининг ижодкоридир У бутун ҳаётини, куч-қувватини ва талантини миллатларнинг озодлиги ва бахт-саодати учун курашга бағишлади. «Биз, — деган эди В. И. Ленин, — миллатларнинг равнақи ва яқинлашувини истаймиз».

Буржуа миллатчилиги ҳаммавақт империализм манфаати учун хизмат қилмоқда. В. И. Ленин тушунтириб бердики, миллатчи миллий манфаатларни ҳамма нарсадан юқори қўяди. Аксинча, интернационалист ишчиларнинг халқаро синфий бирдамлигини ҳамма нарсадан юқори қўяди. Миллий масала, деб ёзган эди В. И. Ленин, революция тўғрисидаги умумий масаланинг бир қисмидир. Партия миллий программасининг моҳияти ҳақида В. И. Ленин бундай деган эди: «Миллатлар ҳуқуқда батамом тенг бўлсин, миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлсин, барча миллатларнинг ишчилари бирлашсин—марксизм ҳам, бутун дунё ва Россия тажрибаси ҳам ишчиларга миллий масалада ана шу программага амал қилишни таълим беради».

2 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

22 АПРЕЛЬ, 1981 й.

Жовании ЖЕРМАНЕТТО, итальян ёзувчиси.

## Италия коммунистлари Москвада

1917 йил ёзида Керенский одамлари Туринга келиб, Италия ишчиларини йўлга солмоқчи ва уларга Россияда тузилган Вақтли ҳукуматнинг сиёсатини тушунтирмоқчи бўлишган эди, ишчилар уларни: «Яшасин тинчлик!», «Яшасин Ленин!» шиори билан кутиб олдилар. Шунда чақирилмаган меҳмонлар Италия ишчилари аллақачон ўз йўлларини топиб олганликларини англаб, келган томонларига жўнаб қолдилар.

Ленин! Бу ном биринчи жаҳон уруши натижасида кафангадо бўлган одамларни рўшноликка олиб чиқадиган ном бўлиб қолди. Бу ном меҳнаткашларнинг келажак йўлини ёритиб турадиган ёрқин юлдуз бўлиб қолди.

Менга Коминтернинг IV конгресси ва Профинтернинг II конгрессига Италия Коммунистик партияси составида Совет Иттифоқига борасиз деганларида севинганимни кўрсангиз эди!

Бу вақтда Италияда фашист каллакесарлар террорчилик ҳаракатини авж олдирган, жамоат биноларига ўт қўйиб, энг яхши раҳбар ва дўстларимизни ўлдиряпган вақт эди. Римга қора «Муссолини юриши» бошланишидан бир неча кун олдин биз Италиядан жўнаб кетдик.

Биз деярли бутун Европани босиб ўтдик. Мени на Вена, на Берлин, ва на бошқа Европа шаҳарлари асло қизиқтирмади. Бутун фикри-зикрим номаълум Советлар мамлакатида, Москвада ва биринчи маротаба кўрадиганим улуғ Ленинда эди.

Ноябрь ойи эди. Бизлар Италиянинг иссиқ об-ҳавосига ўрганиб қолган бўлсакда, ҳеч қандай совуқни сезмадик. Чегарадан ўтишимиз билан янги, озод мамлакат одамлари бизларни қучоқ очиб кутиб олишди.

Коминтернинг IV конгресси очилиши олдидан биз баланд руҳ билан пролетар гимни «Интернационал»ни эллик тилда айтдик. Биз 1922 йил 13 ноябрда Ленининг «Рус революциясининг беш йиллиги ва жаҳон революциясининг истиқболлари» деган докладини эшитиш ниятида Кремлнинг энг катта залига тўпландик.

Мен мажлис бошланмасидан олдин аста коридорга чиқиб, Ленинни кўрмоқчи ва унга Италия ишчиларининг саломини топширмоқчи бўлдим. Ў билан коридорда учрашдим. Кўплаб олқишлар орасида мен француз чалаб:

— Салом, ўртоқ Ленин! — дедим.

У тўхтади, қўлимни сиқиб:

— Сиз французмисиз? — деб менган сўради.

— Йўқ, итальянман, — дедим.

— Мен итальян тилини бир оз биламан, — деди у менинг она тилимда.

Шу вақт залдан бир неча ўртоқлар чиқиб қолишди. Ҳар биримиз Ленин билан бир оғиз бўлса-да гаплашмоқчи бўлардик.

Коминтернинг IV конгресси кун тартибига Италия масаласи ҳам қўйилган эди. Ҳали ёш партиямизга раҳбарлик қилаётган шахслар уни нотўғри йўлдан бошлаб боришарди.

Бир куни кечқурун Владимир Ильич Италия делегациясини ўз ҳузурига таклиф қилди. Бу таклифдан троцкийчи Бордига ва унинг бир неча тарафдорларидан ташқари ҳамма беҳад ҳурсанд бўлди. Биз стол атрофига ўтирдик. Бу ерда Владимир Ильич, Надежда Константиновна Крупская ва бошқа бир неча одамлар бор эди.

Бордига Италия масаласида гапиришга энди оғиз жуфтлаган эди, Владимир Ильич унинг гапини бўлиб:

— Йўқ, йўқ... Конгрессда анча нутқ эшитдик. Келинглар, яхшиси ўртоқчасига гаплашайлик, — деди.

Ленининг кайфияти жуда яхши эди. У ҳар биримиз билан французча ёки итальянча гаплашди. Партиявий ишларимиз ҳақида сўради, қайси шаҳар ва вилоятдан келганлигимизни билди, жойлардаги ишчиларнинг олиб борояпган курашларига қизиқди, делегатлар унинг сўзларини ишчилар синфининг улуғ устози сўзидек тингладик...

Бу конгрессда Италия делегацияси партиямизнинг аниқ резолюциясини ишлаб чиқди. Делегация аъзолари бу резолюцияни муҳокама қилмоқчи бўлишди. Йиғилишга ўртоқлар мени раис қилиб сайлашди. Буни қарангки, шу куни Кремлда подшо тахти турган залдан бошқа бўш зал йўқ эди... Эрталабгача давом этган қизғин тортишув вақтида оддий итальян сартарошнинг подшо тахтида ўтиргаплиги ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмади.

Менинг Николайда эски аламим бор эди. Россия халқининг бу жаллоди бир вақтлар Италияга келганда мени ва бир неча ишчиларни Россия ишчиларининг революциясига бирдамлик юзасидан ўтказилган намойишда қатнашганлигимиз учун қамашган эди.

Кремлнинг подшо турган саройида ўтказилган ўша мажлисда делегатларнинг кўпчилиги партиянинг тутган ленича сиёсатини маъқуллади.

Грамши ва Тольятти ишчилар синфи партиясини тўғри йўлга солиб юбориш учун узоқ вақт кураш олиб бордилар. Бу кураш натижасида Италия коммунистларининг сони 58 мингдан 2 миллионга етди. Касаба союзлар фаолиятида ленинча тўғри сиёсат юритганлигимиз сабабли Умум Италия меҳнат Уюшмаси (УИМУ) аъзоларининг сони мамлакат тарихида энг кўп ишчи ва хизматчини бирлаштирди...

Ленининг номи эзилган ва эксплуатация қилинаётган халқларнинг жанговар байроғи бўлиб, унинг ўлмас таълимоти эса тинчлик, озодлик ва социализм учун курашда бизга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

**Икром ҚОБИЛОВ** таржимаси.



СУРАТДА: В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали биноси. Шу кунларда бу ерга ташриф буюрувчиларнинг кети узилмайди.

А. Абалян фотоси.

ЛЕНИН ВА АДАБИЁТ

# ДОҲИЙ ОРЗУЛАРИ—АМАЛДА

Пролетариат доҳийси В. И. Ленин кишилик маданиятининг ҳеч бир соҳасини эътиборсиз қолдирмай, унинг барча энг яхши бойликларидан коммунизм ғояларининг тантанаси йўлида фойдаланди. У халқни ғоявий жиҳатдан тарбиялашнинг воситаларидан бири бўлган адабиёт масалалари билан ҳам кенг шуғулланди. Агар биз Ленин қолдирган кўп томлик асарларни синчковлик билан кузатиданган бўлсак, унда жаҳон ва рус классиклари асарларидан кенг фойдаланилганлиги н и кўрамиз. Айниқса, Ильич рус социал демократлари ва классик ёзувчилари Чернишевский, Белинский, Герцен, Добролюбов, Грибоедов, Толстой, Чехов, Тургенев, Салтиков-Щедрин, Горький, Эренбург, Серафимович, Демьян Беднийлар ижодидан самарали фойдаланган.

Владимир Ильич Ленин жуда ёшлигидан адабиётга меҳр қўйган эди. У Пушкин, Лермонтов, Шевченко, Гейне, Некрасов, Беранже каби шоирларнинг исёнкор руҳдаги шеърларини жон дили билан севиб ўқир, уларнинг базиларини ёд олган эди. Доҳийнинг ўзи улкан сиёсий ва жамоат арбоби бўлиб етишувида бевосита ана шу бадиият оламининг роли ва таъсири кучли бўлганини эътироф этади. Худди шу фикрни немис социал демократларининг йўлбошчиси Роза Люксембург ҳам тасдиқлаб, «...Ленинни тарбиялаб, балоғатга етказган (революция йўлида) ҳам адабиёт бўлди» деган эди. Бу фикрда катта ҳақиқат бор.

Революциянинг отасшин тарғиботчиси А. И. Герцен мақолаларида таъкидланишича, ўша даврда бадиий адабиётда кўзга ташланган революцион кўтаринкилик зиёлиларга, айниқса, инқилобий руҳдаги ёшларга катта таъсир ўтказган. Бу ҳол Европа мамлакатларига қараганда ҳам Россияда кучлироқ бўлган. Шунинг учун ҳам А. И. Герцен бир мақоласида шундай деб ёзган эди: «Ижтимоий озодликдан маҳрум этилган халқ учун адабиёт ягона минбардирки, у ана шу юксак минбардан ўз ғазаби ва виждонининг ҳайқириғини эшиттиради.» В. И. Ленин ҳам исёнкорлик руҳида ёзилган асарлар рус миллий озодлик ҳаракатини тезлаштиришга туртки бўлганлигини уқтиради.

Доҳийимиз Л. Н. Толстой асарларига алоҳида самимият билан қараган. Бу санъаткор мероси ҳақидаги қатор мақолалари бунга мисол бўла олади. Бу мақолаларда ёзувчи ижодининг моҳияти ёрқин очиб берилган. Айниқса, унинг «Лев Толстой —рус революциясининг кўзгуси» деган мақоласи характерлидир. Ленин бу мақолада Толстой ижодидаги зиддиятлар тасодифий бир нарса эмас, балки XIX аср охиридаги рус ҳаётининг шарт-шароитлари ҳамда қарама-қаршиликлар н и акс эттиришини кўрсатиб бера олган.

В. И. Ленин А. П. Чехов асарларидан ҳам кучли таъсирлангани маълум. У, айниқса, ёзувчининг «Олтинчи палата» номли асаридан қаттиқ ҳаяжонланади. Бу ҳақда А. Ульянова-Елизарова «Ильич ҳақида хотиралар» китобида доҳийнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Кеча кечқурун мен бу ҳикояни ўқиб, тугатганимда, ниқоятда ҳаяжонланиб кетдим. Ўй ичида тура олмадим, ўрнимдан туриб, ташқарига чиқиб кетдим. Ўзимни ҳам худди олтинчи палатада қамаб қўйилгандек ҳис этдим». Бу сўзларда Чехов ҳикоясида олға сурилган ғоя— диктатура зулми остидаги Россия ҳаёти худди ана шу олтинчи палатага ўхшаши доҳий томонидан мукаммал ҳис этилганлиги кўриниб турибди.

В. И. Ленин кўп вақтини сиёсий масалалар билан шуғулланишга сарфлар, марксизм классиклари ва немис классик философияси намояндаларининг асарларини чуқур мутолаа қилар, чарчоғини ёзиш учун бадиий адабиёт намуналари билан танишарди. У адабиёт мухлислари билан ҳам турли мавзуларда суҳбатлашишни яхши кўрар эди. Кунлардан бирида Некрасовнинг шеърларидан намуналар ўқиб, уни М. М. Эссенга мақтайди ва «Рус аёли» поэмасини ёд биласизми, деб сўраб қолади. Эссен «Ҳа, биламан, лекин мен декламация қилганимда, бу шеърдан таъсирланиб, хўрлигим келади, кўзларим алланечук ёшланади, дейди. Эссенинг бу сўзларидан хурсанд бўлган Ильич «Ҳамма гап шунда-да... Шоирнинг маҳорати ўзгаларни қаттиқ ҳаяжонга солишида чуқур намоён бўлади», деб жавоб беради.

Гениал мутафаккир танқидий ва юмористик характерга эга бўлган асарларни ҳам ҳузур қилиб ўқир ва ўрни келиб қолганда, сиёсий рақибларига қарши курашда ундан самарали фойдаланар эди. А. С. Ерохиннинг 1971 йили Москвада чоп этилган «Шушенский арсенал» номли китобида қизиқарли бир мисол бор. Унда Салтиков-Щедриннинг «Отечественные записки»да босилган «Қуритилган балиқ» ҳикоясидан В. И. Ленин қаттиқ таъсирланганлиги айтилади. Кейинчалик у народникларга қарши ёзган мақоласида шу оқимнинг рақбарларидан бири бўлган Михайловскийни худди ана шу қуритилган балиққа ўхшатади. Бу ўхшатиш жуда ўринли ва таъсирли бўлгани учун шармандаси чиққан чор цензураси бир неча йил аввал босилган бу ҳикоянинг барча нусхаларини тинтув қилиб, бутунлай йўқотиб юборишни буюради. Чор ҳукуматининг бу ҳилдаги бемаъни ҳаракатидан хабар топган Ильич ҳузур қилиб кулади.

Кремль коменданти вазифасида ишлаган Бонч-Бруевичнинг шоҳидлик беришича, В. И. Ленин Тургенев ижодини ҳам ниҳоятда қадрлаган. Ҳатто бу ёзувчининг адабий ижодини махсус таҳлил қилиш нияти борлигини айтган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳар томонлама билим ва кенг мушоҳадага эга бўлган В. И. Ленин жаҳон ва рус адабиёти классиклари, социал-демократлар, пролетар адабиётининг илк намояндалари ижодини ҳам яхши билган.

Улуғ Октябрь революциясидан кейин доҳийнинг ташаббуси билан бадиий адабиётнинг энг яхши намуналарини чоп этиш ва пропаганда қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Биргина 1918 йилнинг охиридаёқ рус классик адабиёти намояндаларининг 6 миллион нусхадан иборат бўлган 115 китоби босмадан чиқди. Улар орасида Белинский, Чернишевский, Гоголь, Гончаров, Жуковский, Кольцов, Никитин, Помяловский, Салтиков-Щедрин, Успенский ва бошқаларнинг асарлари бор эди. 1919 йилда, гражданлар уруши айни авж олиб турган бир пайтда Пушкин асарлари 750 минг нусхада босилиб чиқди. Ленин бу тадбирларни ишнинг бошланишигина деб ҳисоблаб, бу сўрғатни бўшаштирмасликни талаб этди. Горькийга ёзган бир хатида: «Биздаги ва Европадаги ҳамма эски революцион адабиётни оммага етказмоқ керак», деган эди. Доҳийнинг бу талаблари тўла амалга ошди. Унинг адабиёт масалалари юзасидан билдирган фикрлари социалистик маданиятни янада равнақ топтириш йўлида қудратли қурол бўлиб келмоқда.

**М. НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими.**

# САҲНАДА БУЮК ИНСОН ОБРАЗИ

Республикамиз театрларида пролетариат улуғ доҳийсининг ёрқин образини акс эттиришга бағишлаб кўплаб саҳна асарлари яратилди. Улар ўзининг баркамоллиги ва қиммати билан театр санъатимизнинг хазинасидан муносиб ўрин олган.

Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрида қўйилаётган рус совет драматурги М. Шатровнинг «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар» саҳна асари фикримизнинг далили бўла олади.

Кекса санъат даргоҳининг талантли ижрочилари Тошкент тўқимачилик комбинатининг маданият саройида «Халқ қалбида Ленин» деб аталган театрлаштирилган тематик кечада ана шу асар билан қатнашдилар.

Доҳийнинг номини улуғлашга бағишланган бу маросимда маданият саройи рус поэзияси студиясининг бадиий сўз устаси Т. А. Малинко доҳий ҳақида ёзилган шеърлардан намуналар ўқиди.

Санъатшунослик фанлари кандидати Т. Турсунов «Саҳнада Ленин образининг акс эттирилиши» ҳақида суҳбат ўтказди. Ундан кейин СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ва артист Ёдгор Саъдиев «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар» асаридан парчалар ижро этишди.

Маданият саройи бу тадбирдан тўпланган маблағни беш йиллик фондига ўтказди.

В. И. Ленинга бағишлаб турли йилларда чиқарилган маркалардан намуналар.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

## Газетхон илтимоси

**Ҳурматли редакция! Айни шу баҳор кезларида организмда витаминлар камаяди. Шунда нима қилиш керак? Умуман витаминларнинг аҳамияти, унинг организм ривожланишига кўрсатаднган фойдаси ҳақида врач маслаҳатини берсангиз.**

**Б. Карамов, Ш. Мухторова,**
ишчилар.

# СОҒЛИҚ ОМИЛИ

Фаслнинг ўзгариши билан айниқса, баҳор ойларида организм учун керак бўлган витаминлар камаяди. Умуман киши организмининг ўсиши, ривожланиши ва ҳаёт фаолиятининг тўғри бориши учун истеъмол қилинган овқатлар оқсил, ёғ, карбон суви, туз лар, минерал моддалардан ташқари витаминлар ҳам керак. Ҳозирги вақтда витаминларнинг ўттиздан ортиқ тури бор. Булар лотин бош ҳарфларида шартли белгиланади.

Витаминлар маълум ҳоссаларга эга бўлиб, организмга махсус таъсир кўрсатади. Организм ҳамма витаминларга муҳтож бўлиб туради. Бирининг ўрнини иккинчиси боса олмайди. Истеъмол қилинган овқатда ҳамма витаминларнинг йиғиндиси бўлмаса-да бирор витамин бўлади. Шунинг учун организм ўсиши, тўғри ривожланиши учун ҳар хил овқатларни истеъмол қилиш керак.

Организмда витаминлар етишмаслиги сабабли унинг турлари, функциялари бузилади. Бундай ҳолатни авитаминоз дейилади. Витаминлар салгина етишмаганда гиповитаминоз ҳолати пайдо бўлади. Бунда дармонсизлик, салга аччиқланиш, инфекцияга етарлича қаршилик кўрсата олмаслик каби енгил бетоблик сезилади. Витаминлар беморларни даволашда катта роль ўйнайди. Масалан, асаб, тери ва ички касалликларда кўп қўлланилади. Аёллар ҳомиладорлик, эмизикли даврида витаминларни етарли даражада истеъмол қилишлари керак. Бемор организми витаминларни соғ одамларга қараганда бир ярим-икки марта кўп талаб қилади. Айниқса С ва В витамини группасига кирувчи витаминларни кўп истеъмол қилиш керак. А витамини ҳайвон ёғида, айниқса треска, дельфин ва мол ёғида бор. Сабзавот ва қўқатлардан исмалоқ, сабзи, помидор, карам, қовоқ, кўк нўхотда А витамини кўп бўлади. Чўчқа ёғида, ўсимлик мойларида ва маргаринда бу витамин бўлмайди. А витамини организмнинг нормал ўсиши, кўзнинг нормал ишлаши учун зарур. Катта ёшдаги одамларга бир суткада тахминан 3 миллиграмм, оғир иш қилганда камида 5 миллиграмм А витамини керак. Терапевтик дозалари 5—10 миллиграммдир.

Авитаминоз н и н г дастлабки формаларида одам қоронғида кўра олмайдиган бўлиб қолади, буни шапкўрлик деб аталади. Авитаминозда камқонлик пиодермия, фурункулёз, терининг бошқа йирингли касалликларига мойиллиги пайдо бўлади, шунингдек, организмнинг инфекцияларига қаршилик кўрсатиш қобилияти пасаяди. В витамини комплекси ачитқи, турли галла ўсимликлари донида, мошда, исмалоқ, сабзи, карам, лавлагида, апельсин, олма, нокда айниқса кўпдир. Одамга бир суткада 2,5— 3 миллиграмм В витамини, 2— 4 миллиграмм В2 витамини керак бўлади.

Овқатда В1 витамини бўлмаса асаб системаси касалланади. Касаллик умуман бўшашиш, кўнгил айниш ва салгина ич бузилиши билан бошланади. Сўнгра юрак заифлашиб қолади, оёқларга шиш келади, беморнинг оёқ қўллари палаж бўлиб қолади. Кўпинча хроник алькоголизмда, баъзан ҳомиладорликда гиповитаминоз авж олади, юрак ҳам заифлашади. Бундай касалликни даволаш учун беморга В1 витамини кўп бўлган овқатлар: исмалоқ, карам, помидор, апельсин, лимон, узум, ловия, нўхот, ясмиқ, сигир сути, тухум, янги гўшт, пиво ачитқиси берилади, Касалликнинг оғир формаларида В1 витамини мускул орасига 5 миллиграммдан юборилади. РР витамини ҳамма тирик хужайраларда учрайди. Ачитқида, буғдой муртагида, жигарда ва буйрак усти безларида РР витамини айниқса кўп. Жисмоний ишнинг оғир-енгиллигига қараб одамга бир суткада камида 15—25 миллиграмм РР витамини керак.

С витамини ҳамма яшил ўсимликларнинг таркибий қисмидир. У янги кўкат ва сабзавотларда, мевада, мева шираларида кўпроқ бўлади. С витамини нина баргли дарахтда, наъматак ва қичитқи ўт барглари ҳам бор. Суғда С витамини озроқ бўлади. Катта ёшли одамга бир суткада камида 10—50 миллиграмм С витамини керак. Касалликнинг бошларида одам умуман дармондан кетиб бўшашади ва ишга ҳафсаласи қолмайди, иштаҳаси бўғилади, бел ва болдир мускуллари оғриқ пайдо бўлади. Овқатда С витамини бўлмаса цинга авж олади. Касалликнинг иккинчи асосий белгиси—милк ва оғиз шиллиқ пардасининг цинга касалидир. Милк жуда барвақт касланиб, яра бўлади: оғиздан ҳид келади, тиш бўшашади, кўп сўлак оқади. Бемор ётган ўйни яхшилаб шамоллатиш ва цингага қарши овқатлар беришга алоҳида диққат қилиш лозим. Д витамини балиқ мойида, тухум сариғида, карам ва баклажонда бор, сут, мой ва апельсинда жуда кам бўлади. Унинг рахитга қарши витамини дейилади.

Е витамини химиявий жиҳатдан тоза ҳолда синтетик йўл билан ҳосил қилинган бўлиб, у «токфера» дейилади. Е витамини деярли ҳамма яшил сабзавотларда, жўхори, каноп ўсимлигида, шолида, ловия унида бор. Балиқ ёғи, мой ва ачитқида эса бўлмайди.

В2 витамини организмнинг нормал ўсишини таъминлайди. В2 витамини етишмаса оғиз ва тил шиллиқ пардаларининг яллиғланиши юз беради. У тухум, қўзиқорин, макажўхори, сут ва сут маҳсулотларида, буйрак, жигар, мияда кўп учрайди. В3 витамини табиатда кўп тарқалган бўлиб, пиво ачитқиси, тухум, жигарда, сабзавотларда, донли ўсимликларда кўп учрайди. Асосан бу витамин модда алмашинувида қатнашади. Ундан асаб касалликларини ва сурункали яраларни, қуйган жойларни даволашда фойдаланилади.

Ҳар бир киши юқорида айтиб ўтилган витаминларни қабул қилишдан олдин, албатта мутахассис врачнинг айтганларига риоя қилиши керак. Кўпинча баҳор ойларида «Гексавит», «Ундевит», «Декамевит» поливитаминлари касалликларнинг олдини олишда қўлланади. Бу витаминлар кенг кўламда аптека тармоқлари орқали аҳолига сотилади. Бир сўз билан айтганда витаминлар чиндан ҳам соғлиқ омилидир.

**Н. ҚОСИМОВ,**
**медицина фанлари кандидати.**

• *Ўзингизни синаб кўринг*

# КЕЧИРИНГ ЁКИ ОҚЛАНИШНИ ИЗЛАНГ

**Психотерапевт Д. Г. Галановнинг ушбу мақоласида дилозорлик қилмаслик, одамларнинг асабини бузмаслик, бунинг учун ҳар бир маданий киши ўзича қандай чораларни кўриши кераклиги ҳақида маслаҳатлар берилади.**

Кўпинча беморлар уйқусизлик, тинимсиз бош оғриши ва юрак уришидан шикоят қиладилар. Касалнинг келиб чиқишига улар ўринсиз ҳақорат ва ноҳақ айбланишларни важ қилиб кўрсатадилар.

Баъзан шундай кишилар учраб турадики, улар қариндошуруғ, бирга ишлайдиган ходимлари ва яқин кишиларидан йиллар давомида ўпкаланиб юрадилар. Дилини мавҳум тушунчалар камраб олиб, ўз тушунчаларини маъқуллаб юрадиган кишилар, асаб системаси бузилиши, юрак ўйноғи, инсулит ва ҳатто инфаркт каби оғир касалликнинг келиб чиқишига ўзлари сабабчи бўладилар.

Бир дамлик тутоқиш юрак ва қон томирларига худди қамчи зарбасидек таъсир этса, узоқ вақт давом этган алам ва кўнгил оғриши, ўпкаланиши (давом этган алам) аста-секинлик билан кўп вақт кишиларга азоб бериб келади. Бу соғлиққа катта зарар келтиради ва оқибатда бошқа оғир касалликлар ҳам пайдо бўлади.

Аслида тез жаҳли чиқадиган кишилар ҳаёти оғир кечади. Ҳаёт уларни ҳар қадамда ва ҳар бир ишда ўз характерини бутун умр ўзгармасдан қолмаслиги керак. Бу характерни йўқотиш кишиларнинг ўзларига боғлиқ.

Ёш болалар каби майда дилозорликни (ҳафагарчиликни) унута билган кишигина, ўз соғлигини сақлайди, узоқ умр кечиради, ҳаётни шод-хуррам ўтади. Ҳафагарчиликдан сақланишнинг беш та усули бор, булар қуйидагилар:

**Биринчи усул:** энг оддий усул. Бехосдан ёки билиб туриб ҳафа қилган кишини кечириш... «Қулфатдан қутулиш учун энг яхши дори бу кишиларни кечиришдир!» —деган эди қадимги философ Сенека.

**Иккинчи усул:** озор берувчи кишига оқланиш йўлини изланг. Агар бундайларга сиз беғараз қарайдиган бўлсангиз, холисона айтишингиз мумкин:

— Мен ҳам ҳақ эмас эдим. Уни ёмон тарбиялашгани учун айби йўқ ёки уни шу даражага чиқишига «шу-шу нарса»лар сабабчи бўлган.

**Учинчи усул:** содир бўлган келишмовчиликка ҳаҳв томонидан ёндошинг. Ўзингиз билан ҳазиллашиб содир бўлган ҳолатнинг кулгили томонларини изланг.

**Тўртинчи усул** «Менга етказган озорни кўнглимга тугмай кечирсам, менинг фойдамга ҳал бўлади», шундай деб фикр қиладиган киши ўз характерининг мустаҳкам ва чидамли бўлишига эришади, ёки «кейинги safar ўйлашиб иш тутарман» — қабилида иш тутишга ҳаракат қилинг.

**Бешинчи, асосий усул:** кўнгил азият чекишига йўл қўйишми, ёки унинг олдини олишга ҳаракат қилиш лозимми?

Шу усулларни фикрлай олган киши қайси бири соғлиққа зарар келтиришини тушунади. Доимо тинч ва енгил кайфиятда юришни истаган киши: «Буни эсга олмасдан, ёддан чиқариш лозим» деган тушунчани кўнгилга тугиб юриши лозим.

Кўнгилга озор етишни истамайдиган киши ўзи аввал дилозор бўлмаслиги лозим. Ҳар бир киши лавозими ёки ёшидан қатъий назар ҳамма вақт ўзга киши ҳолатини ҳисобга олиши керак. Кўполлик, ҳақсизлик, эҳтиёткорликни билмаслик каби ҳислатлар ҳеч қачон киши характерини безамайди. Бундай ҳислатларга албатта баҳрам бериш шарт.

**Д. АБДУВОСИЛОВА**
таҳрирлаган.

7-стоматология поликлиникаси Собир Раҳимов районига жойлашган.

СУРАТДА: ортопедия бўлимининг мудири М. Аюпов навбатдаги беморни кўздан кечирляпти.

Х. Шоднев фотоси.

# ЧЎЛ ЎЛКАНИНГ КУРОРТЛАРИ

Қорақалпоғи с т о н катта курорт шифохонаси бўлиб қолиши мумкин, Ўзбекистон Семашко номидаги қурортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг олимлари тузган шифобахш булоқлар картаси шундан далолат беради.

— Автоном республикада анчагина шифобахш булоқлар топилди, —дейди институт курорт ресурсларини излаш ва ўрганиш лабораториясининг раҳбари Л. Г. Молдавонова. —Чимбой районидаги «1 Май» совхозидан чиққан таркибида темир моддаси бўлган иссиқ сув эътиборга сазовордир. У Ўрта Осиёда танҳо бўлиб, камқон касалига ва бошқа касалликларга йўлиққан беморларни самарали даволовчи воситадир.

Нукус минерал суви ҳам ғоятда шифобахш, «Қозоқдарё» «Қорақалпоқ» совхози ва Дмитрий номли совхозидан, «Коммунизм» пахта териш пунктидан чиққан булоқларнинг ҳам қимматли даволаш хусусиятлари бор.

Шу йилиёқ республика иккинчи касалхонасининг медиклари Нукус минерал сувини ишлата бошлайдилар. Яқин келажакда медиклар бошқа булоқларнинг сувидан ҳам кенг кўламда фойдаланадилар.

(ЎзТАГ).

«Бу-кизик»

# Механик қўл... ишламоқда

Механик қўл... бир варақ қоғозга ҳусниҳат билан «рахмат» деб ёзди. Бахтсиз ходисада шикастланган Владимир Александрович Кабанов шу қўл ёрдамида (орадан 10 йил ўтгач) яна ёзишни ўрганиб олди. Энди у юмуш асбобини бошқара олади, оғир юкни таший олади ва ҳаттоки бир чимдим туз ҳам олиши мумкин. Владимир Александрович В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўзининг иш ўрнига қайтди. У ердаги ҳамкасб ўртоқлари Леонид Николаевич Кудряшовнинг чизмаларига биноан шу «қўл»ни ясаб бердилар. Ҳозир Леонид Николаевич пенсияга чиқиб кетган бўлсада конструкция яратиш ишларини давом эттирмоқда. У кишиларга кераклн бу ишни фронтда бошлади. Яна жараҳотланганидан кейин госпиталда ётиб, ўртоқлари — фронтчилар учун содда мосламалар ясай бошлади. Бу мосламалар юришга, осонроқ ишларни бажаришга имкон берарди. Уруш ҳам сўнг Кудряшов Ўзбекистон травмотология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтига келди ва бу ерда пенсияга чиққунига қадар ишлади.

Механик панжа — авторнинг тўртинчи ихтиросидир. Билак суяги билан боғланган оддий бир мослама механик бармоқларни бошқариб туради.

— Сунъий панжа, дейди Кудряшовнинг тиббий консультанти ва яхши кўмакчиси, институт директорининг илмий ишлар бўйича ёрдамчиси профессор А. Шокиров, — қўл бажарадиган вазифаларни амалда батамом тиклашга имкон беради. Бундай билак на ватан ва на чет эл ортопедия практикасида бор. Ҳозирча бир нуска ишланган панжа клиник синовлардан муваффақиятли ўтди.

Мамлакатнинг кўпгина медицина марказлари тошкентлик ихтирочининг бу янгилигига қизиқиб қолди. Ҳозир институтда кўплаб сунъий панжа ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилмоқда.

# ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁЗУВЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг Ўзбекистонда қадимги туркий руник битик (ёзув)ларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни янада ривожлантиришга бағишланган илмий кенгаши бўлиб ўтди. Илмий кенгаш ишида СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг Тилшунослик институти, Қозоғистон Давлат университети, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти, Тошкентдаги бир қатор олий ўқув юртларининг олимлари ва илмий ходимлари қатнашдилар.

Илмий кенгашни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Х. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти директори ва илмий кенгашнинг раиси, филология фанлари доктори, профессор Азиз Қаюмов очди. У кириш сўзида узоқ ўтмишдан бизнинг давримизгача етиб келган қадимги туркий битиклар, уларни илмий жиҳатдан ўрганиш соҳасида амалга оширилган тадбирларга тўхталди ва келажакда олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантиришнинг аниқ режаларини белгилаб олиш учун бу соҳанинг йирик мутахассислари Илмий кенгашга йиғилганлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Ғ. Абдурахмонов ва филология фанлари доктори, профессор А. Рустамовнинг докладн Урхун-енисей ёдгорликларининг баъзи бир лингвистик масалалари анализига бағишланди ва бу соҳадаги тадқиқотларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Филология фанлари доктори И. В. Стеблеванинг доклади «Қадимги туркий ёдгорликларни ўрганишни координациялашнинг баъзи масалаларига бағишланди. «Билга-Қоон» ёдгорлиги ва унинг хусусиятлари» темаси филология фанлари доктори У. Айдаров илмий докладининг асосини ташкил этди.

Филология фанлари доктори А. С. Омонжўлов ўз докладида Урхун-енисей ёдгорликларини ўқиш методикасига кенг тўхталди.

Докладлар муҳокамасида филология фанлари кандидатлари М. Ҳакимов, Қ. Каримов, тарих фанлари кандидати К. Муниров ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, бу илмий кенгаш туркий тилли халқларнинг адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутувчи Урхун-енисей ёзуви ёдгорликларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидладилар.

**Э. АҲМАДХЎЖАЕВ,**
институт илмий секретари.

ТО Справкалар бюроси

## ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**К. МУМИНШИҚОВ: Мен 1980 йилдан буён «Ташсельмаш» заводида ишлайман, 18 га тўлмаган бўлсам ҳам 8 соатдан ишлаб келдим. Энди ишдан бўшамоқчиман. Бўшаш учун аризани 1 ой олдин маъмуриятга топширишим шартми?**

**Жавоб:** Ўзбекистон ССР меҳнат қонунлари Кодексининг 54 моддасига мувофиқ 18 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга иш вақтининг давомати қисқартирилган ҳолда белгиланади.

Маъмурият Сизга нисбатан 8 соатлик иш куни белгилаб қонунга хилоф равишда иш тутган бўлса, у ҳолда (меҳнат қонунлари Кодекси 211 — моддаси) ота-она, вояга етмаганларни болаликка олувчилар ва хомийлар, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича назорат органлари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия сиз билан корхона-ўртасидаги меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Бунда сизнинг ишдан бўшаш кунидан бир ой аввал ариза беришингиз шарт эмас.

**А. ҲАСАНОВ,**
**юрист-консультант.**

* * *

**Т. АБДУРАҲМОНОВ: «Скафандр» сўзи қандай тилдан олинган?**

**Жавоб:** Космонавтларнинг парвози «скафандр» сўзини жуда оммалаштириб юборди. Ҳозир бу катта баландликда учадиган космонавтлар ва учувчилар киядиган алоҳида кийим эканлигини ҳамма яхши билади. Илгари фақат сувга тушадиган кишилар киядиган кийим шундай ном билан аталарди. Сўзнинг биринчи бўғини — «скаф» — қадимий грек тилида кема, қайиқ маъносини англатган. Сўзнинг иккинчи қисми «андр» ҳам грекча бўлиб, одам, эркак киши деган маънони англатади. Шундай қилиб, скафандр сўзининг маъноси «одамкема» демакдир.

* * *

**Т. МАҲМУДОВ: ВЦСПС уруш қатнашчиларига курорт хизматини яхшилаш бўйича қарор қабул қилди. Унинг моҳияти нима?**

**Жавоб:** ВЦСПС Президиуми 1980 йилда «Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини санаторий-курортларда даволашни яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда 1981 йилдан бошлаб социал таъминот органлари томонидан пенсияда бўлган ва ишламаётган Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига курорт ва санаторийларда даволаниш учун қўшимча путёвкалар ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, мамлакат курортларига путёвкасиз борадиган Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига амбулатория-курортда даволаниш учун путёвкалар сотиш кўзда тутилган. Бутунитифоқ курортларига октябрь ойидан апрель ойигача путёвка сотланда (бошқа курортларда бутун йил мобайнида) улар яшаш ва овқатланиш учун ҳақ тўлашади. Даволаниш эса бепул, давлат социал страхованиеси бюджет ҳисобидан бўлади.

* * *

**Н. КАРИМЖОНОВ: Мен ҳозир заводда фрезерчи бўлиб ишламоқдаман. Мақсадим — шу касбда ишлаб туриб олий маълумотли юрист бўлиш. Республикамизнинг қайси олий ўқув юртларида юридик факультетлар бор?**

**Жавоб:** Республикамизнинг Тошкент Давлат университетида юридик факультет бор. Истаган кишилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда шу факультетнинг кечки ва сиртқи бўлимларига кириб ўқиб, олий маълумотли юрист дипломига эга бўлишлари мумкин.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет. Оқшоми

22 АПРЕЛЬ, 1981 й.

# ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Қизил яйловдаги нўк тулпорлар**, 24/IV да **Ун учинчи ранс.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/IV да **Дилафрўзга тўрт ошиқ**, 23/IV да **Ўжарлар**, 24/IV да **Ишонмасанг ўламан.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Мукофот**, 23/IV да **Отасининг қизи**, 24/IV да **Гуноҳкор авлиё.**

# КИНО

**22 АПРЕЛДА**

**ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:**

«ИНҚИЛОБ ҚУМОНДОНИ» — **Дружба.**

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН» — **Фестиваль.**

«ЛЕНИН. СЎНГГИ САҲИФАЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (кичик зал).

«ЛЕНИН». БИОГРАФИЯ САҲИФАЛАРИ» — **Восток.**

«ҚАЛБДА ЛЕНИН БИЛАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — **Санъат саройи** (18.20, 20.30, телефон 44-39-51).

«ДАНДИ ЎҚ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 44-70-69), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Дружба** (19, 21.00, телефон 66-15-75), **Кўнча** (тоқ соатларда).

«ЗАМИН ЎГЛОНИ». — **Дружба** (18, 20.30, телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (18.00 телефон 35-24-92), **Чайка** (20.00, телефон 77-06-20), **Искра** (17, 20.00), **Ҳамза номли** (18.30, 21.00).

«ЕНИНГДА ҚОЛИШИМНИ ИСТАСАНГ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«МЕРСЕДЕС» ТАЎҚИБДАН ҚОЧМОҚДА» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ЎРМОН БИНАФШАЛАРИ» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ТУШИНГИЗГА ҲАМ КИРМАГАН» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Янгиобод** (14, 17, 20.00, телефон 96-36-21).

**23 АПРЕЛДА**

**ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:**

«ИНҚИЛОБ ҚУМОНДОНИ» — **Дружба.**

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН» — **Фестиваль.**

«ҚАЛБДА ЛЕНИН БИЛАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«В. И. ЛЕНИН» — **Пионер.**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.20, 20.30, телефон 44-39-51).

«ДАНДИ ЎҚ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Кўнча** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **К. Ерматов номли** (12, 14.30, 16.30, 18, 20.45, телефон 24-22-66).

«ЗАМИН ЎГЛОНИ» — **Искра** (17, 20.00), **Ҳамза номли** (10, 13, 16, 18.30, 21.00), **К. Ерматов номли** (11, 14, 17, 20.00).

«ЕНИНГДА ҚОЛИШИМНИ ИСТАСАНГ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-51), **Дружба** (жуфт соатларда), **Тинчлик** (жуфт соатларда).

«МЕРСЕДЕС» ТАЎҚИБДАН ҚОЧМОҚДА» **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТУШИНГИЗГА ҲАМ КИРМАГАН» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Янгиобод** (14, 17, 20.00, телефон 96-36-21).


## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

**25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ**

## ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

**Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист ТОВФИҚ ОХУНДОВ**

РАҲБАРЛИГИДАГИ

**АФРИКА БЕГЕМОТЛАРИ АТТРАКЦИОНИ:**

**ГЕОРГИЙ ВОЛИШИНСКИЙ РАҲБАРЛИГИДАГИ «МУШУКЛАР БИЛАН ОРИГИНАЛ ДРЕССУРА» аттракциони иштирок этади.**

**Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.**

КАССА СОАТ 10.00ДАН 20.00ГАЧА ОЧИҚ.

**Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-84, 44-35-91.**



**Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг**

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

**5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.**

КУРСАНТЛАР, СЎНГРА ҲАЙДОВЧИЛАР ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАРДАН БЕПУЛ ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

**Бошқа шаҳардан келган ёлғиз кишилар депо яқинида жойлашган ётоқхона билан таъминланадилар.**

**Депо хизматчилари 50 процент ҳақ тўлаб форма кийимини сотиб оладилар.**

**Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.**



«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ

**«Акмал, Аждарҳо ва Малика»**

НОМЛИ РАНГЛИ, БАДИИЙ ТЕЛЕВИЗИОН ФИЛЬМ ЭРТАКНИ СУРАТГА ОЛИШ УЧУН

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИНИНГ 8 ЕШДАН 11 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЎГИЛ БОЛАЛАРИ ВА ҚИЗЛАРИНИ

## ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҚАБУЛ КУНЛАРИ: **душанба, чоршанба, жума соат 10.00 дан 12.00 гача ва 16.00 дан 18.00 гача.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй, 216-хона.



## ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШГАЗ» ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ГАЗ ҚУРУМИ ДУДБУРОНДАН ЧИҚАДИГАН ХУСУСИЙ УЙЛАРНИНГ ЭГАЛАРИГА

**ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ**

1981 — 1982 ЙИЛЛАР ИСТИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК МУНОСАБАТИ БИЛАН МАИШИЙ БИНОЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ГАЗ ПРИБОРЛАРИ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ КАНАЛЛАРИНИНГ ДУДБУРОНЛАРИНИ ОММАВИЙ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗАДИ.

Бу ишларни Тошкент шаҳар ёнғин муҳофазаси кўнгилли жамиятининг печкачи — мўйқон тозаловчилари планли тартибда Ленин, Октябрь, Акмал Икромов, Куйбишев, Чилонзор районлари, шунингдек Тошкент маиший объектлар қурилиши — ремонти бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги участкаси ходимлари Киров, Сергели, Фрунзе, Собир Раҳимов ва Ҳамза районлари бўйича текширувни ўтказадилар.

Дудбуронлар ва вентиляция каналларини текшириш, профилактика ва ремонт қилиш масалалари юзасидан турар жойлар бўйича район газ идораларига, шунингдек Тошкент шаҳар, Красновосабай кўчаси, 114-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ёнғин муҳофазаси кўнгилли жамиятига; Тошкент шаҳар Алиев кўчаси, 72-уйда жойлашган Тошкент маиший объектлар қурилиши — ремонти бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги участкасига мурожаат қилиш зарур.

**1981 йилнинг 1 ноябрига қадар район — эксплуатация хизматларига дудбуронларнинг ишга яроқли эканлиги ҳақидаги актлар тақдим қилинмаса, шундай кейин қурими дудбуронлардан чиқадиган газ приборлари огоҳлантиришсиз узиб қўйилади!**



«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ ГИЛАМЛАР ВА ГИЛАМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТОЗАЛАЙДИГАН

**6-ФИЛИАЛИ**

ГИЛАМЛАР, ГИЛАМ МАҲСУЛОТЛАРИ, ПАЛОСЛАР ВА ШОЛЧАЛАРНИ ТОЗАЛАБ БЕРИШ УЧУН АҲОЛИДАН

## БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Маҳсулотларнинг размери чекланмаган.**

Буюртма расмийлаштирилаётган вақтда маҳсулот буюмни олиб келиш ва олиб бориш транспорт қиммати таъминланади.

**Буюртмаларни қуйидаги телефонлар орқали ҳам буюриш мумкин:** 44-52-95, 41-80-20; 41-80-25, 41-80-27, 41-80-10.

**Справкалар учун телефон 53-48-33.**

Шу 6-филиалнинг ўзида пальто, камзуллар, шимлар, кўйлаклар ва бошқа кийим-бошларни шошилинч кимёвий тозалаб бериш учун ҳам буюртмалар қабул қилинади.

Филиалда гиламларни ва гилам буюмларини реставрация қилиб бериш участкаси ҳам ишлаб турибди. Алоҳида ҳақ тўлаш билан буюмларни сизга яп-янгидай қилиб беришади.



## ТОВАРЛАР — ХАЛҚҚА!

ЎЗ ЭЪТИБОРИНГИЗНИ «МИКМА»ГА ҚАРАТИНГ!

«МИКМА» ЭЛЕКТРОБРИТВАСИ ЎЗИНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ЧЕТ ЭЛ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ТЕХНИКАСИНИНГ ЮКСАК ЮТУҚЛАРИГА МОС КЕЛАДИ.

АТТЕСТАЦИЯ: **«Олимпиада-80» ташкилий комитетининг дипломи.**

**Баҳоси 31 сўм.**

МОСКВА «МИКРОМАШИНА» ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН.

**«ТЕЛЕПРЕССТОРГРЕКЛАМА»**



**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг**

**Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлиги базасидаги**

161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

янги ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАНДОЛАТЧИЛАР, НОНВОЙЛАР, ХОЛОДИЛЬНИКНИ СОЗЛОВЧИ МЕХАНИКЛАР, НОН ВА ПИВО ЗАВОДЛАРИ ЎЧУН СОЗЛОВЧИ СЛЕСАРЛАР, КОНФЕТ ТАЙЁРЛОВЧИЛАР.

**Ўқиш муддати 10-йиллик маълумоти бўлганлар учун — 1 йил 8-синфни битирганлар учун — 2 йил.**

Билим юртига қабул қилинган 8 синф ҳажмида маълумотли бўлганларга уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва иш кийими берилади. 10-синф ҳажмида маълумоти бўлганларга 30 сўм стипендия берилади.

Меҳнат практикаси вақтида ишланган иш ҳақининг 33 процента берилади. Билим юртини имтиёзли битирганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Узоқдан келганларга жиҳозланган ётоқхона берилади. Билим юрти қошида миллий ансамбль, ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ва кечки мактаб бор.

**БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАРГА ТАНЛАГАН МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА 4 РАЗРЯД БЕРИЛАДИ, ҲАМДА УЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАЙДИЛАР.**

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар лозим бўлади:** билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги маълумот, маълумоти тўғрисида ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, фотосурат 3 х 4 см. 6 дона, соғлиги тўғрисида медицина справкаси (286 форма).

**ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16 ва 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти», 21-автобуснинг Ҳалқа йўлдаги «Нон заводи» бекати).



**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ РЕМОНТИ ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ

155-ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1981 — 82 ўқув йили учун**

**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЗОҚ МАНЗИЛЛАРГА БОРУВЧИ ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИГИ.

**Ўқиш муддати — 1 йил. Ўрта маълумотли, 17,5 ёш ва ундан катта бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинадилар. Қабул қилинганларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия берилади.**

**МАШИНАДА ҚОЛИПЛОВЧИЛАР.** 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ёш ва ундан катта бўлган йигитлар қабул қилинадилар. Уларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия берилади, 10 синф ҳажмида маълумотлиларга эса ойига 72 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган кишилар учун ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш муддати 7,5 ой. Машғулотлар группалар тўлишига қараб бошланади;

ЭЛЕКТР КЎПРИК КРАНЛАРИНИНГ КРАНЧИСИ. 8 — **10 синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ёш ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар. Уларга ойига 72 сўм ҳажмида стипендия берилади. Ўқиш муддати 7,5 ой. Етоқхонадан жой берилади. Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади.**

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ЁРДАМЧИСИ, ТЕПЛОВОЗ МЕХАНИКА ҚИСМИНИНГ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЛОВЧИ, ТЕПЛОВОЗ ЭЛЕКТР ҚИСМИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, СОВУТИШ УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. **Ўқиш муддати 3 йил. Бу группага 8 синф ҳажмида маълумотли 15 ёш ва ундан катта бўлган йигитлар қабул қилинадилар.**

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш муддати тўлиқсиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини битирганларга диплом, аъло баҳолар билан тугатганларга эса олий ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шароитда ўқишга кириш учун йўлланмалар берилади. Билим юртини битирувчилар темир йўл транспорти ишчиларига берилган барча имтиёзлар ва фойдаланадилар.

**Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:** билим юрти директорининг номига ёзилган ариза, автобиография, гувоҳномалар; туғилганлиги тўғрисида, маълумоти тўғрисида справкалар, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан характеристика, 8 та фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанба кунидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22, 35, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.



**Ўзбек Давлат филармонияси**

## СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

**1 МАЙ СОАТ 13.00 ДА**

## КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

Олмахон ХАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ Мўътабар ЙЎЛДОШЕВА.

**Солистлар** Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Роза КАРИМОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Нодира АҲМЕДОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ.

**Бадиий сўз устаси** Хасан ЙЎЛДОШЕВ.

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ**

ПРОГРАММАНИ — **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист** Гулом ТОЖИАЪЛОЕВ **олиб боради.**

**Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.**



ЧИЛОНЗОР МАССИВИДА ЯНА БИР ЯНГИ

ПОЙАФЗАЛ МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ

(7-квартал, Ғафур Ғулом кўчаси, 33-уй).

Чилонзор массиви аҳолиси бу ердан бир неча марта газлама, пойафзал, галантерея, трикотаж буюмлари, парфюмерия, косметика ва бошқа саноат моллари сотиб олишганлигини яхши билишади.

МАГАЗИН «ТАШОБУВЬТОРГ» ҚАРАМОҒИГА БЕРИЛГАНДАН КЕЙИН РЕМОНТ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНИБ, ҚАЙТА УСКУНАЛАНГАЧ, 36 «ПОЙАФЗАЛ» МАГАЗИНИГА АЙЛАНТИРИЛДИ.

«ПОЙАФЗАЛ» магазини савдонинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш илғор методи бўйича ишлайди. Молларнинг кўзга яққол кўринарли қилиб қўйилиши, уларни қўлга олиш мумкинлиги, танлаш ва ўзингизга маъқул бўлган пойафзални кийиб кўришингиз, харид учун дарров ҳисоб-китоб қила олиш — буларнинг ҳаммаси харидорларга яхшигина қулайлик яратиб, вақтни тежайди.

36-«ПОЙАФЗАЛ» магазинида хотин-қизлар, эркаклар ва болалар пойафзаллари бўлимлари бор.

Хотин-қизлар бу ерда баҳорги — кузги мавсумга мўлжалланган нафис ва енгил пойафзалларни сотиб олишлари мумкин.

САБО—Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг янги маҳсулоти. Сабо чиройли ва қулай ишланган. Улар хром, лак, жинсили газлама, нозик ва ингичка, баланд пошнали бўлиб, турли модель ва фасонда тикилган. Пойафзалнинг таглиги полиуретанлидир (чет элдан келтирилган).

Тошкент 2-пойафзал фабрикасининг меҳнатчилари сабони ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўришаётганда Ўзбекистоннинг иқлимига хос эстетик талабларни инобатга олганлар. Сабо пойафзалини эрта баҳордан кеч кузгача кийиш мумкин. Товони очиқлиги оёқнинг нормал температура режимида сақлайди. Демак, оёғингиз кун бўйи бу пойафзалда чарчамайди.

«ХОТИН-ҚИЗЛАР ПОЙАФЗАЛИ» **бўлимида Сиз бундан ташқари ўзингизга мазмун бўладиган турли моделдаги пойафзалларни танлай оласиз:** лаклили туфли, пошнаси манзарали пардозланган; ёзги туфли, баланд пошнали бўлиб ярим ёпиқ; ёзги туфли, қизил, жигарранг, олча рангли бўлиб, тумшуғи ёпиқ ва очиқ ҳолда ишланган, баланд ва ўрта пошналидир;

кавушлар — сабо типидаги миллий пойафзал (таглиги чармли бўлиб, лаклидир).

**ЭРКАКЛАР УЧУН ПОЙАФЗАЛЛАР**

сандалетлар, чармсимон резинадан тумшуғи ёпиқ ҳолда турли моделда ишланган;

сандалетлар, таглиги говакли, хромли;

сандалетлар, хромли, чоқлари жимжимали тикилган, ингичка пошнали, таглиги қалин;

полуботинкалар, сунъий лакли чармлар, таглиги полиуретанли, ўртача пошнали;

сабо — хромли, қалин говакли тагликда;

полуботинкалар, бошлиғи газламали, баланд ва ўрта пошнали;

плляж, хона, спорт пойафзаллари — «сланцлар», усти очиқ ва ёпиқ туфлилар, кедилар;

**БОЛАЛАР УЧУН ПОЙАФЗАЛЛАР:**

полуботинкалар ва ёзги ботинкалар, лакли, хромли, бошлиғи газламали, таглиги чармли;

сандалетлар, турли моделда, фасонда, ҳар хил размерда ва рангда, тумшуғи очиқ ва ёпиқли;

сандаллар;

жинси, хона, спорт пойафзаллари.

36-«ПОЙАФЗАЛ» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

**Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. 14.00 дан 15.00 гача танаффус. Якшанба дам олиш куни.**

**Магазинга 4, 9-трамвайлар билан «7-квартал» бекатигача, 11-трамвайда, 13, 32, 34-«э», 70-автобусларида «Оқтепа» майдонигача борилади.**

**«ТАШОБУВЬТОРГ».**

**«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.**



АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УЗССР

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИГА

**йўл монтёрлари, тоннель ишчилари, автоматик ўтказиш пункти контролерлари, ҳаракатланувчи состав ремонти бўйича слесарлар, сантехника асоосб-ускуналари ремонти бўйича слесарь-электриклар, электр монтёрлар, ишлаб чиқариш хоналарини йиғиштирувчи-фаррошлар.**

Метрополитендаги тўрт сменали иш режими вақтида тўйги сменадан сўнг икки кунлик дам олиш берилади. Йўл монтёрлари, тоннель ишчилари фақат тунда меҳнат қиладилар. Юқорида санаб ўтилган барча категориядаги ходимлар меҳнатига вақтли-мукофотли система бўйича ҳақ тўланади. Бу вақтда тунда ишлаганлиги учун тариф ставкасининг 35 проценти ҳажмида қўшимча ҳақ ҳам тўланади.

Ходимлар ҳар йили мамлакат темир йўлларидаги бир маротаба бепул қатнаш ва метрополитенда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар, шунингдек 50 процентгача чегирилган қийматда форма кийими, ёғлизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги ишга жойлаштириш марказий пункти ва Тошкент шаҳар район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилади.


# ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

**22 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА**

**В. И. ЛЕНИН ХОТИРАСИ КУНИ**

**Марказий телевиденининг «Восток» программаси**

17.55 «Ульяновлар оиласи». Бадиий фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Москва камер хори ижросида революция ва гражданлар урушидаги йилларининг қўшиқлари. 19.55 В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 111 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлининг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время». 24.00 Янгиликлар.

**Марказий телевиденининг тўртинчи программаси**

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 Халқаро конкурслар лауреати Н. Гаврилова чалади (фортепьяно). 20.40 «Ҳамкўстлик» телевизион журнали. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Муаллим ва кўргазма заллари бўйлаб». Рассомлар Марказий уйида очилган «Биз коммунизм қурамиз». Бутуниттифоқ бадиий кўргазмаси. 22.00 Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 2- ва 3-даврлар. Гетеборгдан олиб кўрсатилади.

**Ўзбекистон телевидениесининг программаси**

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Бизнинг бахтли болалик». Адабий-музикали композиция. 18.30 «Кўқонлик уста». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 18.45 «Ленин номи билан». Адабий кўрсатув. 19.25 «Ахборот» (ўзб., рус.). 19.55 Москва. В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 111 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Кремлининг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 В. Шатров. «Қизил яйловдаги нўк тулпорлар». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.25 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Қайтиш». 19.00 «Китоб — бизнинг дўстимиз» (рус.). 19.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 20.30 Янгиликлар. 20.50 «Бир планетада». Бадиий фильм.

**23 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА**

**Марказий телевиденининг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Бачо ва унинг онаси ҳақида эртак». Мультфильм. 10.35 «Ҳайвонот оламида». 11.35 «Қалбга яқин қўшиқлар». 12.20 Янгиликлар. 13.00 Янгиликлар. 13.20 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 16.00 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар!». ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.00 «Рус тили». 17.30 «Горичилар, қаердасиз!».

18.00 Афғон артистларининг концерти. 18.30 «Миллионлар ленинча университети». 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун «Фейеноорд» (Голландия) — «Динамо» (Тбилиси). Голландиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида ва репортаж тугагач — Гетеборгдан хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионатидан репортаж. 21.30 «Время». 22.05 С. Прокофьев туғилган кунининг 90 йиллигига. «Композитор опералари саҳифаларида». Танаффус пайтида (22.50) — «Дунё воқеалари».

**Марказий телевиденининг тўртинчи программаси**

19.30 «Мукофот». Бадиий фильм. 20.55 «Саҳий қуёшли шаҳар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Бор эканда, йўқ экан, асалари бўлган экан...». Мультфильм. 21.30 М. Мясковский. 27-симфония. 22.05 Спорт программаси: Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Шахтёр». Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — «Спартак».

**Ўзбекистон телевиденисининг программаси**

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Коммунистик ахлоқ». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак» (рус.). 12.30 «Коммунистик ахлоқ». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Энг билимдон қўён», «Қўшиқ». Мультфильмлар. 18.45 «Ешлик» ступиси кўрсатади. «Бизнинг янги адресимиз». 19.15 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». «Юрган дарё» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион новелладар театри. Хабрук. «Қора уй». 20.15 «ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР». Фарғона область, Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирзаавҳмад Деҳқонов ҳақида телеочерк. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 Спорт программаси: 1. Теннис бўйича 1 Халқаро турнир. «Динамо» теннис стадионидан репортаж. 2. Волейбол бўйича олий лига аёллар командалари ўртасида СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — «Пекра» (Ворошиловград). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (22 апрелда ёзиб олинган). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Телескоплар». I ва 2-қисмлар. 19.15 Реклама. 19.30 «Ҳаётбахш экран». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Аньаналарга садоқат», «Камчатка меридиани». Телевизион ҳужжатли фильмлар (рус.).



БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83, қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; аъзолар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.